ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСА РАҲБАРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Каримова Махбуба Муқимжоновна
Низомий номидаги ТДПУ
“Педагогика” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада таълим самарадорлигига эришишда таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолияти ҳақида маълумотлар ёритилган. Таълим жараёнида раҳбарларнинг самарали бошқарув фаолияти самарадорлик ва натижавийликка эришиш босқичлари ҳақида фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: бошқарув, тизим, раҳбар, натижа, функция, босқич, фаолият, самарадорлик.

Аннотация: В данной статье представлена информация об управленческой деятельности руководителей образовательных учреждений по достижению образовательной эффективности. В процессе обучения были высказаны мнения об этапах эффективного управления деятельностью менеджеров для достижения результативности и результативности.

Ключевые слова: управление, система, руководитель, результат, функция, этап, деятельность, эффективность.

Abstract: In this article information is presented about administrative activity of leaders of educational establishments on the achievement of educational efficiency. In the process of educating were outspoken opinion of the stages of effective management by activity of managers for the achievement of effectiveness and effectiveness.

Keywords: management, system, leader, result, function, stage, activity, efficiency.

Таълим муассасаси раҳбарларининг асосий функцияси таълим муассасаси олдига қўйилган мақсадларга эришишда муассасанинг хаётий фаолиятини таъминлаш бўйича бошқарув йўналишидаги масалаларнинг ижобий ечимини топиш, ҳал этиш ҳисобланади [2]. Алоҳида таъкидлаш зарурки, бошқарув фаолияти ёки ихтиёрий фаолият инсон-инсон муносабати, шунингдек, инсоннинг ташқи муҳит билан муносабатлари, тарбиявий муносабатлар шаклида, яъни шахснинг эҳтиёжлари талабларидан келиб чиқиб кўзланган мақсадни амалга оширишдаги ўзаро алоқалар шаклида таҳлил қилинади ва ўрганилади.

Фаолият мақсади объектив бўлиб, ўз ўрнида шахс томонидан белгиланади ва у фаолиятнинг асосий компоненти ҳисобланади. Шунингдек, фаолият субъектни маълум бир ҳаракатга келтирувчи сабабларни аниқлайди ва унда аниқ бир шахснинг фаолияти ва мақсад ифодаланади. Маълумки, бошқарув фаолияти субъектлар томонидан лавозими йўналишидаги функцияларини бажаришлари жараёнида амалга оширилади [3]. Бошқарув фаолияти олдиндан белгиланган хатти- ҳаракатлар мажмуаси, шунингдек, бошқарув жараёни босқичлари сифатида таълим муассасаси раҳбарининг мақсадга йўналтирилган функцияларининг структураси бошқарув предметлари орқали белгиланади. Демак, бошқарув ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар мақсадга эришишда ҳаракатлар изчиллиги билан белгиланади. Бу жиҳатлар ўз-ўзидан мақсадга кўра аниқланмайди, балки мақсадга эришишдаги шарт-шароитлар орқали белгиланади [4]. Агар мақсад ўзгармаса, у белгиланган вақтдаги шароитлар ҳамда ҳаракатлар таркиби ўзгариб боради. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини такомиллаштириш йўналишидаги ихтиёрий инновацион фаолият мавжуд бўлган бошқарув функцияларининг маълум бир изчилликда амалга оширилишини талаб этади.

Замонавий таълим муассасани бошқариш функцияларини амалга оширишни режалаштиришда, энг аввало, бошқарувнинг мақсади, функцияларининг мазмун-моҳияти ва вазифалари инобатга олинади. Умумий мақсадларга эришишда мазкур функцияларни амалга ошириш тизимини ташкил этувчи вазифаларнинг бажарилиш кетма-кетлиги белгиланади ҳамда мазкур вазифаларни бажаришда қўлланиладиган бошқарув методлари танлаб олиниб, бошқарув фаолияти бошқарувни ташкил этиш тамойиллари ва қонуниятларига асосан амалга оширилади. Объектив бошқарув фаолияти фақатгина мақсадга йўналтирилган ҳаракатларнинг тўлиқ тўплами ёки ҳаракатлар занжири шаклида мавжуд бўлади [5].

Таълим муассасаси раҳбари бошқарув фаолияти давомида ўз муассасасининг фаолияти, таълим-тарбия жараёнининг ҳолати, ходимларнинг ўз вазифасига бўлган муносабати, ўзаро муносабатлар, яъни ўқувчи ва ўқитувчиларнинг муносабатлари, шунингдек, умумий мақсадга эришиш учун амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва самарадорлиги, ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда ташкил этилаётган дарсларнинг сифати тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиши учун зарурий ахборотлар тўплаши лозим [6]. Тўпланган ишончли ахборотлар таҳлил қилиниши ва умумий ҳолатни ўрганилиши бошқарув фаолиятини ўзгартириш, такомиллаштиришга, яъни бошқарув фаолиятининг мақсадини белгилаб олишга хизмат қилади. Ахборотларга асосланган ҳолда, бошқарув фаолиятининг самарадорлигини ҳам таҳлил қилиш имконияти туғилади ва шунга асосан уни такомиллаштириш

йўналишлари ва муассаса фаолиятини яхшилаш учун амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгиланади [1]. Белгиланган вазифаларни ходимларнинг билими, кўникма ва малакалари, шунингдек, касбий тажрибаларига кўра тақсимлаш амалга оширилади, яъни зарур ҳолларда муассасанинг фаолиятини, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш учун юқори малакали мутахассислар жалб этилади, шу асосда жамоа аъзоларининг фаолиятлари мувофиқлаштирилади [7]. Мазкур жараёнларда амалга оширилган ишларнинг натижаларига ва йиғилган маълумотларга асосланган ҳолда таълим муассасасининг ривожланиш имкониятлари аниқланиб, белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўналишида қарорлар қабул килинади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, бошқарув алгоритмининг мазмун-моҳияти бошқарув функциялари ва методларини амалга оширишда ўз ифодасини топади ва улар биргаликда бошқарув жараёнида таъсир кўрсатишнинг тартиби, кетма-кетлиги, йўллари ва уларнинг тугалланиш даврини акс эттиради.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда биз самарали бошқарув – бу юксак маҳорат талаб этадиган, ҳаётий эҳтиёжларни қондиришда кўзланган мақсадга эришиш, фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, таъсир этиш, таҳлил этиш, назорат қилиш орқали ифодаланадиган жараёндир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Валижонов Р., Қобулов О., Эргашев А. Менежмент асослари. -Тошкент: "Шарқ", 2002. 33-36 бет.

2. Йулдошев Ж. Ғ. Таълим янгиланиш йулида. - Тошкент: "ўқитувчи", 2000. 19 бет.

3. Джўраев Р. Х., Турғунов С. Т. Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. - Тошкент: "Фан", 2006. 29-32 бет.

4. Тўхтабоев А. Маъмурий менежмент. - Тошкент: "Молия", 2003. 12 бет.

5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. - Тошкент: "Ўқитувчи", 2001. 14 бет.

6.Исмаилова З. К., Байбаева М. Х. Раҳбарларнинг низоли вазиятларни ҳал этишда конфликтологик компетентлигини ривожлантириш //Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 2-2. – С. 185-188.

7.Байбаева М. Х. Таълим муассасаларида раҳбар аёлларнинг бошқарув фаолиятидаги роли //integration of science, education and practice. scientific-methodical journal. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 59-66.

8.Байбаева М. Х. Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятларида соғлом ва ижодий муҳитни яратишга хос замонавий ёндашувлар //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 4-2. – С. 403-411.